

Банкнинг 2016 йилда олган фойдасини тақсимлаш

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлар умумий йиғилишининг 2017 йил 29 июндаги 43-сонли баённомаси билан Банкнинг 2016 йилда олган фойдасини тақсимлаш (йиғилиш кун тартибидаги 4 масала) юзасидан қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. 2016 йил якуни бўйича олинган фойда (аудиторлик текширувидан ўтказилган консолидациялашган молиявий ҳисоботларга мувофиқ) қуйидагича тақсимлансин:

- Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасига 7 374 435,7 минг сўм;
- Умумий мақсадларга мўлжалланган захира фондига – 3 008 883,8 минг сўм.

2. 2016 йил учун имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаб беришга 3 450 минг сўм йўналтирилсин. 2016 йил учун оддий акциялар бўйича дивидендлар эълон қилинмади.

3. 26 064 032,5 минг сўм соф фойда банкнинг тақсимланган фойда ҳисобварағида тақсимланмаган ҳолда қолдирилсин.

4. Акциядорларга 2016 йил учун имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлашнинг бошланиш санаси – 2017 йил 30 июнь, акциядорларга 2016 йил учун имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлашнинг тугаш санаси – 2017 йил 27 август деб белгилансин.